СИНЕСТЕЗИЯНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ

Г. Носирова

Эта статья посвящена разностороннему анализу языкового аспекта феномена синестезии на материале русского, узбекского и английского языков. Рассматриваются теоретические положения по проблеме взаимодействия органов чувств и языка в процессах восприятия

.

This article is dedicated to analysis of one of the aspects of the language phenomenon synthesis from different perspectives, based on the materials of Russian, Uzbek, and English languages. Theoretical views of the problem of interaction between sense organs and language in the process of perception.

Синестезия (гр. Synaisthesis – “туйғудошлик”, “ҳамтуйғулик”) фаннинг турли соҳаларига алоқадор бўлиб, файласуфлар ва айрим аниқ фан вакиллари томонидан қадимдан қизиқиб ўрганиб келинади. Хусусан, Афлотун, Арасту, Демокрит, Эпикур каби қадимги мутафаккирлар турли хил туйғулар уйғунлашувига эътибор берганлар: масалан, рангларнинг ҳарорати (мовий – совуқ, сариқ – иссиқ...), товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги каби.

Аммо бу ҳодиса ҳеч бир фанда охиригача таҳлил этилган деб бўлмайди. Тилшуносларнинг ушбу ҳодисага эътибори кейинги бир неча ўн йилликда жуда кучайиб, айрим мустақил йўналишлар (масалан, фоносемантика) юзага келган бўлса-да, назарий жиҳатдан тўкис ишланган натижалар ҳамон мавжуд эмас.

Психология ва медицинада бу борада олиб борилган тадқиқотлар ушбу феноменнинг бағоят қизиқарли эканлигига яна бир бор диққатни жалб қилди. Психолингвистик тадқиқотларга оз бўлса-да алоқадор бўлган олимларнинг барчаси бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар. Уларнинг энг нуфузлилари сифатида Т.Цивьян, А.Потебня, Л.Блумфилд, А.Жўраев, О.Есперсен, И.Бодуен де Куртене кабиларни кўрсатиш мумкин [6; 7; 1, 11-15; 9,124; 16,343; 4,760; 3,261; 12; 13; 14]. Тилшуносликда синестезия таҳлилига оид материаллар тадқиқи алоҳида йўналиш касб этишни энди бошламоқда. Бироқ, таъкидлаб ўтганимиздек, жаҳон тилшунослигининг етук намояндалари бу борада ўз фикрларини билдирган бўлиб, улар томонидан таҳлилга тортилган унчалик катта бўлмаган материалларнинг ўзи ҳам синестезиянинг тил тараққиёти ва тузилишида алоҳида ўрин тутувчи ҳодиса эканлигини кўрсатади. Замонавий тилшуносликда синестезия механизмларини тавсифлашга оид назарий жиҳатдан асосланган қарашлар фоносемантик тадқиқотларда учрайди.

Кейинги пайтда ўзбек тилшунослигида ҳам синестетизм элементлари мавжуд тадқиқотлар юзага кела бошлади. Хусусан, З.Кабилова шундай ёзади: “Товушнинг фонетик маъноси сўзга ҳам сингиб кетади. Сўзнинг фонетик маъноси ва семантикаси ўртасида ички диалектик алоқа вужудга келади, яъни сўзнинг фонетик мотивланган семантикаси оммалашади.

Ўзбек тилида шундай товуш бирикмалари мавжудки, улар луғавий маънога эга эмас, аммо инсон томонидан ё салбий, ё ижобий қабул қилинади ва шунга кўра нутқда қўлланилади” [8,14].

Турли типдаги тилларда (инглиз – ўзбек – рус) синестезия ҳодисасини қиёслаб ўрганиш натижасида қуйидаги хулосани бериш мумкин:

Синестезия моҳиятига кўра универсал, қўлланишига кўра мунтазам ҳодисадир.

Синестезия ҳодисасининг тадқиқи тилда жуда кенг тарқалган феномен – метафора тадқиқида ҳам янги босқич очади.

Жуда кўп метафораларнинг юзага келишида туйғудошликнинг ўрни катта. Инсон ўз туйғуларини анализ ва синтез қилар экан, бунинг нутқда акс этмай иложи йўқ. Бу ҳолатнинг физиологик ва психологик ечими ҳали на медицина ва на психологияда мавжуд. Шунга кўра, бу фан вакиллари синестезияни дам патология, дам инсон руҳий комиллиги белгиси сифатида таърифлайдилар.

Умуман, тилшуносликда синестезия ҳодисасини ўрганиш нақадар аҳамиятли бўлса (метафора ва унга турдош ҳодисалар моҳиятини очишда, инсон нутқий фаолияти таҳлилида, бадиий нутқ ва умуман нутқ индивидуаллигини ўрганиш ва ҳоказоларда бундай тадқиқотлар ўта зарур), қиёсий тилшуносликда, таржима назариясида бу хил тадқиқотни четлаб ўтиш асло мумкин эмас.

Аввало, хусусий филологияда ҳам турли туйғулар ассоциациясига алоҳида эътибор лозимлигини унутмаслик лозим: инсон эмоцияларини аниқ ва бадиий акс эттиришда синестетизмнинг алоҳида ўрни бор. Инсон синестетик туйғулари рамзлар ва метафоралар туғилишига олиб келади. Хусусан, туркий халқларда қора ранг қайғу, изтироб рамзидир: қора кун, қора қайғу...

Бир хил рангга турли халқлар турлича муносабатда бўладилар: туркийларда “Қора ранг мотам, чексизлик, буюклик, қўрқув, ўлим, ноаниқлик рамзи бўлса, қизил ранг ғалаба, хурсандчилик, шодлик, тириклик, олов ва қон символидир. Қадимги немисларда бу ранг кучлилик ва уруш, қон ва ҳаёт маъноларида қўлланилган. Сариқ ранг қуёш, ҳаёт, муқаддаслик рамзий маъноларига эга. Қадимги хитойликларда у бахт, шодлик мазмунида ишлатилган бўлса, Европада аксинча, нафрат туйғусини ифодалаган. Японларда эса сариқ ва нопормон гуллардан мотам маросимлари учун гулчамбар тайёрланган. Шунинг учун бу рангдаги гуллар ҳозир ҳам совға сифатида тақдим этилмайди” [17,8].

Демак, таржима жараёнида у ёки бу сўзнинг мазмуний хусусиятигагина эмас, синестетик хусусиятларига ҳам эътибор зарур.

Н.М.Нестерова ўз тадқиқотларида оригинал ва таржима сўз мутаносиблиги бир неча даражада бўлишини кўрсатиб берган [10,20-21].

Мутаносибликнинг даражасини белгиловчи омиллардан

бири синестезиядир. Ранг, таъм, ҳарорат каби ёрқин ҳис-туйғулар жуда кўп ҳолларда турли халқларда ўхшаш ассоциациялар яратади:

Темир хоним – железная леди
Ширин сўз – сладкая речь
Қора ният – чёрный замысел

Аммо доим ҳам бундай бўлмайди (масалан, тёплый приём – иссиқ қабул эмас). Таржима жараёнида бундай ҳолатларга алоҳида эътибор лозим.

Синестетизм анча мавҳум бўлган ва бир қарашда унча сезилмайдиган ҳолатлар таржима жараёнида кўпроқ қийинчилик туғдиради.

Н.М.Нестерова таржима жараёнида бадиий асардаги синестетик туйғуларни акс эттиришда ўзига хосликни кўрсатиб бериш учун бир неча ёрқин мисоллар келтирган. Жумладан, таржимон В.Набоков Пушкиннинг “под сень черемух и акаций” мисрасини таржима қилар экан, луғатда мавжуд бўлган “bird cherry” сўзи ўрнига янги сўз – “racemosa”ни кашф этиб ишлатади. Ўзи буни қуйидагича изоҳлайди: “Русча сўз юмшоқ ва хаёлий (таърифлардаги синестезияга эътибор беринг – Г.Н.) бўғимлари гуллаганида нафис ва ҳаяжонли кўриниш берадиган узун гулли чивиқлари билан ажраб турувчи бу дарахтга жуда мос келади...

Унинг сутдай оқ, мускус ифорини таратувчи майдаги ранги руслар юрагида ёшлик ҳаяжонлари билан ассоциацияга киришади. Инглизча атамага бу каби характерли тавсифлар етишмайди” [10,23].

Тадқиқотчи ўз тадқиқотларида шу хил ҳолатларга алоҳида эътибор қаратади. Масалан:

Ненастье – rainy day – ёғингарчилик. “Ненастье” сўзи рус кишиси онгида “омадсизлик”, “бахтсизлик” туйғулари билан синтезлашади. Аммо на инглизча, на ўзбекча вариантда бу синестетизм акс этмайди. Инглиз ва ўзбек вариантларида “ёғин” семемаси етакчи бўлса, русча вариантда “ёқимсизлик” семемаси етакчидир.

Нейтрал матнларда бу ҳолатга эътибор бермаслик мумкиндир, аммо бадиий нутқда уни четлаб ўтиб бўлмайди. Қуйидаги рус мақолларида “ненастье” сўзини инглизча ва ўзбекча вариантлар билан алмаштириш мақол мазмунини камбағаллаштиради:

Глупому счастье, умному ненастье.

Было бы счастье, да одолело ненастье.

Қуйидаги ҳолатда бундай алмаштириш умуман мумкин эмас.

Наше счастье – дождь да ненастье.

Таржима жараёнида луғат доим ҳам иш беравермайди. Лингвистик луғатлар одатда сўзнинг асос – денотатив маъносинигина акс эттириб, унга йўлдош юзага чиқувчи мураккаб семантик таркибни қамраб олмайди. Шу билан бирга, сўзнинг тилдаги бу хил семантик қобиғини тавсифлаш қийинлигини ва бу хил тавсиф мезонлари нафақат ўзбек, жаҳон луғатшунослигида ҳам ишлаб чиқилмаганини қайд этиб ўтиш лозим.

Кўринадики, турли тилларда туйғуларнинг синтезлашуви ҳам турлича бўлиб, бу ҳолат таржима ва тилларни ўрганиш жараёнида муайян қийинчиликлар туғдиради. Шу туфайли тил ўрганишда синестетик туйғулар таҳлили масаласи бугунги тилшуносликнинг ва услубиётнинг долзарб муаммоларидандир.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Лингвистические проблемы референции // НЗЛ. XII: Логика и лингвистика. – М, 1982.
2. Бардовская А.И.Средства номинации синестетических соощущений: АКД. – Тверь,2005
3. Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 2005
4. Вайсгербер И.Л. Родной язык и формирование духа. - М.: МГУ, 2004.
5. Гинзбург Р.С. Смысловая структура слова // Иностранные языки в школе. – 1957. -№5. – С. 79-103.
6. Журавлёв А.П., Павлюк Н.А. Язык компьютера. - М.: Просвещение, 1989.
7. Журавлёв А.П. Звук и смысл. – М.: Просвещение, 1990
8. Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: НДА.- Т., 2008.
9. Левицкий В.В. Семантика и фонетика. – Черновцы, 1933.
10. Нестерова Н. Вторичность как онтологическое свойство перевода: АДД. – Пермь, 2005 .
11. Никифорова О.И. Восприятие метафоры // Ученые записи МГПИЯ.Том. 8. М.,1954.– С.310-315.
12. Orr.On some sound values in English // The British Journal of Psychology. 1944. Vol. – 35, - part. 1.
13. Porsid W. Das Wunder der Sprache. Bern, 1950. – C. 42.
14. Sperber H. Einfuhring in die Bedeutungslehre. Bonn; Leipzig ,1923.
15. Ulmann St. Semantics. An introduction to the scence of meaning. Oxford, 1964:
16. Цивьян Г.В. Модель мира и её лингвистические основы. – М.:Комкнига, 2006.
17. Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: НДА.– Т., 2007

Андижон давлат университети,
2010 йил 6 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)